# ЎЗБЕКИСТОН МИЛИЦИЯСИГА

## МУКОФОТ МУБОРАК!

Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг жиноят-қидирув ходимлари Андижон район ички ишлар бўлимининг ходимлари билан ҳамкорликда кўпдан буён аҳоли мулкини талон-торож қилиб келаётган, босқинчиликни касб қилиб олган Таваккал Абдуллаев бошчилигидаги 15 кишидан иборат гуруҳни қўлга олишди. Мана шу гуруҳни қўлга олишда кўрсатган мардлик ва шахсий жасорати учун бир гуруҳ ички ишлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғига асосан пул мукофоти билан тақдирланди:

**ОЙЛИК МАОШИ ҲАЖМИДАГИ ПУЛ МУКОФОТИ БИЛАН:**

1. **Анвар Жўраев** — Андижон шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлинмасининг бошлиғи, милиция майори;

2. **Маъмуржон Исоқов** — Андижон шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлинмасининг кичик вакили, милиция сержанти;

**2500 СЎМ МИҚДОРДА ПУЛ МУКОФОТИ БИЛАН:**

— **Адҳам Абдувалиев** — Андижон шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлинмаси бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани;

— **Шавкат Зулимов** — Андижон шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлинмаси катта оператив вакили, милиция катта лейтенанти;

— **Ойбек Ҳамзаев** — Андижон район жиноят-қидирув бўлинмасининг бошлиғи, милиция майори.

## ЖАСОРАТИНГГА БАЛЛИ, МАЪМУРЖОН!



1974 йилнинг 1 декабри. Маъмуржон ҳамкасби Б. Худоёров билан хизмат ҳудудларини айланишаркан, аёл кишининг чинқирган овози келди. Улар ёрдамга шошилдилар. Аёлга пичоқ ўқталиб, унинг бор-йўғини шилаётганлар қочишга тутинишди. Маъмуржон қочоқнинг ортидан қувиб етдида, эпчил ҳаракатлар билан йиқитиб, қўлини қайирди. Шу жасорати учун "Қизил Юлдуз" орденига сазовор бўлди.

1981 йилнинг 1 май куни ҳам у одатдагидек хизматда эди. Соат 18ларда Янгийўл шаҳрининг Уйғур кўчасида ур-йиқит бўлаётгани ҳақида хабар олди. Зумда у ерга етиб келди. А. Раҳматуллаев деган шахс ғирт кайф ҳолатда қўшнисини урарди. Ж. Олимов безорига яқинлашди. Бироқ кўзлари қонга тўлган А. Раҳматуллаев ваҳшийларча унга ташланди. Ходимнинг бўйнига пичоқ санчди. Сўнг навбатдаги қурбонига ташланди. Маъмуржон билан олишаркан, унинг кўкрагига тиғни қадашга улгурди. Маъмуржон эса тирқираб қон оқишига қарамай безорини қуролсизлантирди ва йиқитиб, ёрдамчи кучлар келгунга қадар ушлаб турди.

Бир неча соатга чўзилган мураккаб операциядан сўнг Маъмуржон қайта кўзини очди.

Бугунги кунда милиция капитани Маъмуржон Нортожиев Янгийўл шаҳар ИИБда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлинмаси инспектори бўлиб хизматини давом эттирмоқда.

**М. МИРСОҒУРОВ.**
**Суратда: М. Нортожиев.**

# ХАЛҚ ИШОНЧИ ВА ҚУДРАТИГА ТАЯНИБ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳарбий вазият қийинчиликларига қарамай, уруш йилларида болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш жуда ҳам муҳим эди. Бу вазифани бажаришда фаол қатнашишар экан, милиция ходимлари ота-онасиз қолган болаларни аниқлаш ва уларни давлат паноҳига жойлаштириш юзасидан катта иш қилдилар. Шу тариқа етим-есирларнинг ҳаммаси давлат идоралари ва милиция, шунингдек юзлаб фуқароларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли, таъбир жоиз бўлса, иккинчи ота-оналарининг иссиқ бағрига жо бўлдилар.

Ўзбекистон милицияси йўқотиб қўйилган қариндош-уруғлари ва яқинларини қидириб топишда фуқароларга ёрдам бериш, рухсатномалар ва паспорт тизими қоидаларига қаттиқ риоя қилинишини таъминлаш, ҳарбий вазият қоидаларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида маҳаллий Советларга яқиндан ёрдам кўрсатди.

Урушдан кейинги вақт шароитида шу давр қийинчиликлари туфайли жиноятчиликка қарши кураш мураккаб вазиятларда олиб борилди. Чунки беш йиллик қирғинбарот натижасида фидойи касб эгалари сафлари анча сийраклашиб қолган эди.

Ички ишлар идоралари томонидан давр тақозосига кўра бирмунча зарурий тадбирлар амалга оширилдики, оқибатда милиция кадрлари сифат жиҳатдан анча мустаҳкамланди. Шахсий таркиб орасида ғоявий-тарбиявий ишларнинг кучайтирилиши, ходимлар махсус билимларининг такомиллаштирилиши бутун ишга ижобий таъсир кўрсатди.

1947 йилдаёқ ички ишлар ҳамда суд ва прокуратура идоралари ҳамкорликда, қолаверса жамоатчиликнинг фаол ёрдамида қилган ҳаракатлари туфайли умуман республикада жиноятчилик 29,1 фоизга камайганлигини айтиб ўтиш кифоя. Олди олинган жиноятлар миқдори деярли уч баробар кўпайиб, босқинчилик, қотиллик каби алоҳида хавфли жиноятлар сони кескин қисқарди.

Давлат мулкининг бус-бутун сақланишини таъминлаш, уни таловчилар томонидан қилинадиган жиноий тажовузлардан муҳофаза этиш бутун милициянинг, истисносиз барча хизматлар ва ҳар бир ходимнинг ғоят муҳим бурчи эди.

Пул ислоҳоти ўтказилиши ва карточка тизими бекор қилиниши муносабати билан чайқовчиликка қарши кураш милиция идораларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди.

Социалистик мулкни талон-торож қилишга қарши кураш (БХСС) идоралари ходимлари бошқа хизматлар билан яқин алоқада савдо тармоғидаги суиистеъмолчиликларга қарши аёвсиз кураш олиб бордилар. Улар моддий бойликларни совуриб юбориш ҳолларини фош қилар ва олдини олар, молларни ноқонуний равишда юқори баҳоларда сотишга чек қўйишар, турли корхоналардан ўғирланган молларни чайқовчилар томонидан сотиб олиш фактларини аниқлар эдилар.

Жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда, табиийки, жиноят қидирув бўлимлари катта роль ўйнар эди. ЖҚ ходимларининг вазифалари доираси кенг. Улар аввало турли хил кўнгилсизликларнинг олдини олишлари ва содир этилган қонунбузарликларни фош этишлари шарт бўлиб, жиноятчи-рецидивистлар, жиноят ташкилотчиларига асосий зарба беришлари даркор эди.

Бу борада улар милициянинг барча идоралари, биринчи навбатда ташқи хизмат ва паспорт столлари имкониятларидан фойдаланишар, уларга милициянинг ёрдамчи деб аталувчи кучлари — дарбонлар, тунги қоровуллар, қишлоқ ижрочилари ҳам виждонан ёрдам беришарди.

Ташқи хизмат милициянинг энг катта отряди ҳисобланади. Унинг ходимлари кўп ҳолларда турли қонунбузарликларни тўхтатишда ва жиноятчиларни қўлга олишда биринчи бўлиб ҳаракат қиладилар.

Ташқи хизмат ходимларининг кўпқиррали фаолиятлари жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш билангина чекланиб қолмас эди. Улар объектларни қўриқлаш бўйича идоравий милиция ташкил этишар, ҳовлилар, кўчалар, боғлар, хиёбонлар ва бошқа жамоат жойларининг санитария ҳолати ва ободончилиги устидан ҳам назорат ўрнатардилар.

Транспорт ва пиёдалар ҳаракатини уюштириш ҳам милиция идоралари вазифасига киради. Республика шаҳарларини бир-бирига уловчи катта кўчалар, шаҳар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда автомобил транспортидан тўғри ва самарали фойдаланиш борасида фидокорона меҳнат қилишмоқда. ДАНга жамоатчилик катта ёрдам кўрсатаётир. Ўзбекистон йўлларида минглаб жамоатчи назоратчилар хизмат қилишмоқда.

Милиция идоралари шонли анъаналарга эга. Улар халқнинг жанговар ва меҳнат анъаналари билан узвий боғланган. Булар жамиятимизнинг тарихий тараққиёти, жамоат тартиби мустаҳкамланиши жараёни давомида юзага келган ва шаклланган. Гап, энг аввало Ватанга чексиз садоқат, хизмат бурчини бажариш вақтидаги жасорат, матонат ва мардлик, юксак сезгирлик, онгли интизом ва уюшқоқлик, ўз касбига муҳаббат, билимларини такомиллаштиришга доимий интилиш, ўзаро ёрдам, жанговар ва хизмат вазифасини бажаришда ўзаро ҳамкорлик каби ажойиб анъаналар ҳақида бормоқда.

Милиция ходимлари халқимиз эришган буюк меҳнат ғалабаларининг бевосита иштирокчиларидирлар. Улар қонун доирасидан четламай туриб жиноятчиликка қарши аёвсиз курашадилар, шу аснода юксак унумли меҳнат учун, аҳоли тинч дам олиши учун зарур шароит яратиб берадилар. Улар ҳалол меҳнаткаш қўллар яратган барча нарсаларни жинояткорона тажовузлардан ҳимоя қилиш, халқ мулкига кўз олайтирувчи турли ташмачиларнинг йўлларини тўсиш орқали республикамиз иқтисодий қудратини оширишга хизмат қиладилар. Бу борада баъзан ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлсада, бурчга садоқат, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатадилар. Табиий офат оқибатларини йўқотиш пайтида, республиканинг турли минтақаларида оммавий тартибсизликларга чек қўйиш вақтидаги милиция фаолияти фикримнинг исботидир.

Ўзбекистон республикасининг мустақилликка эришиши кўп нарсаларга янгичасига қарашимизни, ўткир муаммоларга ҳар биримизнинг бевосита алоқадорлигимиз ҳақида, жамиятимизнинг бундан буёнги тараққиёти, тўла маънодаги демократик ва ҳуқуқий давлат қарор топтириш учун шахсий масъулиятимиз тўғрисида ўйлашимизни тақозо қилади.

Милиция формасидаги кишиларга бугунги кунда осон эмас. Лекин ички ишлар вазирлиги оператив ва тергов бўлинмалари ички манбааларнинг қўшимча имкониятларини излаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш устида қатъий иш олиб бормоқдалар. Идораларимиз саводли, меҳнатда чиниққан кишилар ҳисобига тўлдирилмоқда. Бугун биз малакали кадрлар потенциалига эгамиз ҳамда ҳуқуқ-тартибот аскарларининг профессионал негизини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашни давом эттираяпмиз.

ИИВ идоралари республикамиз фуқароларининг ишончи ва мададига таянган ҳолда демократия ва ошкораликнинг янги шароитида ишлашга қатъият билан ўрганмоқдалар. Шахсий таркиб билан олиб борилаётган тарбиявий ва ташкилий ишнинг асл моҳияти ҳам мана шунда.

Республиканинг шаҳар ва қишлоқларида аҳолига мунтазам равишда оғзаки ва ёзма ахборот беришнинг янги шакллари ишлаб чиқилмоқда. Милиция иши ҳақида жамоатчилик фикри ўрганилмоқда, меҳнат жамоалари билан матбуот конференциялари, учрашувлар ўтказилмоқда. Бундай алоқалар тизими сезиларли натижа бермоқда, пастдан назорат қилишни кучайтирмоқда, жамоатчилик фаоллигининг ошишида туртки бўлмоқда.

Етакчи хизматларнинг амалдаги тизимларини тубдан қайта қуриш борасида катта ишлар амалга оширилди. Милициянинг оператив-қидирув хизмати ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш блокларини тузиш истиқболли кўринмоқда.

Оператив хизмат фаолиятининг замонавий шакл ва усулларини ўрганар эканмиз, биз фахрийларнинг бебаҳо тажрибаларига таянамиз. Бутун умрини ички ишлар идораларида хизмат қилишга бағишлаган, жасорат мактаби синовларидан ўтган, баъзан мағлубият аламини тортиб, ғалаба нашидасини сурган кишилардан бошқа ким ҳам ёш ходимларга танлаган касблари тўғрисидаги ҳақиқатни етказа олади, дейсиз! Ҳозир сафдаги ўз жойини ёшларга бўшатиб берган кекса ҳуқуқ-тартибот посбонларининг ҳар бири милиция ишига дахлдордир. Садоқат, маҳорат ва қатъият билан хизмат қилишда фахрийлар ҳали кўп улушларини қўшишлари мумкин.

Ички ишлар идораларининг ходими аҳвол мураккаб участкаларда иш олиб боради. Унинг ҳар бир қадами, хатти-ҳаракати ҳаётимиз қоидаларию мавжуд қонунга мутаносиблаштирилмоғи керак. Жиноятчиликка қарши кураш кучайган шароитда суиистеъмолчиликларни фош этиш манфаатлари йўлида қандайдир даражада қонундан чекиниш мумкин деган хавфли тасаввурлардан буткул воз кечиш лозим. Қонун талабларидан заррача чекиниш ҳам ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари обрўйига жуда катта зарар етказади. Ҳуқуқ-тартибот ишига маъсул ҳар бир одам халқ олдида ҳар томонлама пок бўлиши шарт.

Ўзининг 75 йиллик тўйини нишонлар экан, милиция, ички ишлар идоралари қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ўзининг амалий ҳиссасини янада кўпроқ қўшиш, унинг ютуқларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш учун бутун куч ва ғайратини сафарбар этади.

Фурсатдан фойдаланиб, ички ишлар идораларининг барча ходимларига шу кеча-кундуздаги хизматлари учун миннатдорчилик билдираман ва уларни касб байрамлари билан табриклайман, соғлик-саломатлик, шахсий ва оилавий ҳаётларида бахт-саодат, ишларида муваффақият тилайман.

# Қутлуғ тўйига тўёнамиз

Бозор муносабатларига ўтиш давр тақозоси эди, аммо у дастлабки пайтларда бир қатор муаммоларнинг юзага чиқишига сезиларли туртки бўлди. Икки хил иқтисодий давр тўқнашуви натижаси ўлароқ кечаётган жараён устидан маъмурий тизим назорати бир мунча сусайди. Айни пайтда мустаҳкам иқтисодий муҳитни вужудга келтириш, моддий ресурсларни кўз қорачуғидек асраш, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ўтказилаётгани ислоҳотларнинг салбий таъсиридан муҳофаза этиш кун тартибидаги энг долзарб масала бўлиб қолди. Ана шундай бир шароитда иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш ходимлари турли хил суиистеъмолчиликларга қарши кескин зарба беришга, талон-торожчилар, порахўрлар пайини қирқишга, иқтисодий инқироздан фойдаланиб, шахсий бойлик орттиришни мақсад билган "ишбилармонлар" йўлига мустаҳкам ғов ташлашга биринчи галда масъул кишилардирлар.

Ходимларимизнинг аниқ ва режали ҳаракатлари муштарак мақсад учун кураш самараларини тобора кўпайтиришда асосий омилдир. Агар рақамларга эътибор берадиган бўлсак, бу тоифадаги жиноятларни очиб ташлашнинг йиллик ўсиши беш-олти фоизни ташкил этишини кўрамиз. Жуда пухта ниқобланган қаллобликларни фош этиш ҳам сезиларли равишда ортган. Яна ҳам ойдинлаштирадиган бўлсак, йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 15 минг мартадан кўп суиистеъмоллик фактлари аниқланган. Бу ўтган йилнинг шу даврида эришилган кўрсаткичдан 3,4 фоизга кўп демакдир. 3,2 минг марта чайқовчилик, 114 марта порахўрлик каби иллатларга кескин зарба беришга тўғри келди. Умуман олганда, ИЖК ходимлари томонидан фош этилган қаллобликлар юзасидан ўтган йилга нисбатан 9,6 фоиз миқдорида кўп жиноий иш қўзғатилган.

Халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйишга одатланган ҳамкасбларимиз саъй-ҳаракатлари натижасида қатор агросаноат бирлашмалари, савдо корхоналари, умумий овқатланиш шохобчалари, маиший ҳамда ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида ҳуфёна фаолият кўрсатаётган ташмачи, талон-торожчи ва чайқовчи гуруҳлар эл-юрт олдида шармандаи-шармисор қилинди.

Ички ишлар вазирлиги иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармасида консерваланган мева, сабзавот маҳсулотларини бошқа минтақаларга жўнатиш эвазига катта миқдорда даромад топиш билан шуғулланган ва айни пайтда зарарсизлантирилган гуруҳлар ҳақида қайд қилинган ҳужжатлар бор. Ваҳоланки, ана шундай нопоклар келтирган зарар 8 ярим миллион сўмдан ортиқроқдир. Бошқача қилиб айтганда, ҳаммаси бўлиб темир йўлда қатновчи 56 вагонга юкланган ва ўзга юртларда бир неча баробар қимматига пуллаш мўлжалланган 7,5 миллион сўмлик мол-мулк ва маҳсулотлар тўхтатиб қолинди. Қилни қирқ ёрувчи терговчилар билан ҳамкорликда амалга оширилган бу ютуқларда бошқармамизнинг С.Чанишев, А. Дрегвал, Ш. Бешбоев каби ходимлари ватанпарварлик, ҳамда жасорат намуналарини кўрсатдилар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ички ишлар бошқармасига уюшган фидойи милиционерлар эса Олмалиқ шаҳридаги маиший кимё заводидан қўним топган бир неча қаллобларни жиноий жавобгарликка тортишга муваффақ бўлдилар. Улар шампун ва крем ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган мумиё ҳамда облипиха ёғини керакли миқдорда қўшмасдан, тежаб қолиш ҳисобига орттирилган маҳсулотлар билан чайқовчилик қилишган. Маълум бўлишича, жиноятчилар томонидан ўғирланган қимматбаҳо хомашё миқдори 283 ярим минг сўмлик экан.

Худди шунингдек, республикамизнинг бошқа вилоятларида фаолият кўрсатаётган ходимларимизнинг ҳам муайян ютуқлари борки, ҳаммасини жамлаб туриб, бугунги қутлуғ айёмни муносиб тўёна билан кутиб олдик, десак бўлади.

***Сергей ТАХТИН,***
**ИИВ иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги.**

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛИЦИЯСИГА

## МУКОФОТ МУБОРАК!

Бу йилги "Қорадори-92" тадбирини уюшқоқлик билан ўтказишда Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари ўзгача ғайрат-шижоат кўрсатдилар. Улар томонидан 114 гектар майдонда наркотик ўсимликлар етиштирилаётгани аниқланди ва йўқ қилинди. 112 килограмм наша, кўкнор суюқлиги ва бошқалар мусодара қилинди. Гиёҳвандлик моддалари етиштириш ва шу билан чайқовчилик қилишда гумонланган 88 нафар шахс устидан жиноий иш қўзғатилди.

Кенгқамровли бу долзарб вазифаларни амалга оширишдаги шахсий намунаси учун қуйидаги милиция ходимлари тақдирландилар:

**1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ "Фахрий ёрлиғи" билан:**

— **Жабборов Санжар Ғафурович** — Самарқанд вилояти ИИБ жиноят қидирув бошқармасининг катта оператив вакили, милиция подполковниги;

**2. "ИИВдаги аъло хизмати учун" кўкрак нишони билан:**

— **Асадов Самад** — Ургут шаҳар ИИБ участка вакили, милиция лейтенанти;

— **Жумаев Ҳикматилло** — Самарқанд вилояти ИИБ жамоат тартибини сақлаш хизмати махсус белгиланган ротаси взвод командири, милиция лейтенанти;

— **Наҳалов Қаршибой** — Қўшработ шаҳар ИИБ участка вакили, милиция капитани;

— **Сарваров Фазлиддин** — Ургут шаҳар ИИБ участка вакили, милиция лейтенанти;

— **Аҳроров Ашур** — Самарқанд вилояти ИИБ жамоат тартибини сақлаш хизмати махсус белгиланган ротаси милиционери, милиция сержанти;

— **Мухторов Абдурафиқ** — Самарқанд вилояти жамоат тартибини сақлаш хизмати махсус белгиланган ротаси милиционери, милиция кичик сержанти;

— **Шойматов Икром** — Самарқанд вилояти ИИБ жамоат тартибини сақлаш хизмати махсус белгиланган ротаси милиционери, милиция катта сержанти.

## "Халқ хизматида 75 йил"

Кўплаб кишилар "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилаётган ва Ўзбекистон милицияси тарихи тўғрисидаги "Халқ хизматида 75 йил" номли китоб ҳақида олдиндан ҳикоя қилиб беришимизни сўраб мурожаат қилмоқдалар. Биз уларнинг илтимосларини инобатга олдик. Мухбиримизнинг шу китобни тайёрлаш ташаббускори, республика ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Ғафур Раҳимов билан суҳбати шу хусусда.

— Вазир З. Алматов билан маслаҳатлашиб, — деди Ғафур Раҳимович, — бу санани республикамиз ички ишлар идораларининг қаҳрамонона йўли ҳақида ҳикоя қилувчи махсус китоб чиқариш билан нишонлашга қарор қилдик. Биринчи ўзбек милиционерларининг қисматига катта қийинчиликларни енгиб ўтиш тушган эди. Улар тажриба, билим, махсус ва криминалистика техникасига эга бўлмай туриб, фуқаролар уруши шароитида жиноятчиликка қарши курашишларга тўғри келди. Миллий милиция кадрларини тарбиялаб ўстирган ички ишлар идоралари фахрийлари ҳақида ҳам индамай кетишга ҳаққимиз йўқ. Уларнинг шонли ишлари ИИВ музейи кўргазмаларида ўз аксини топган. Бу ерда ҳатто Туркистон Республикасининг биринчи ички ишлар халқ комиссари А. М. Малковнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар ҳам сақланмоқда. У ўзбек халқининг урф-одатлари ва анъаналарини билар ва чуқур ҳурмат қиларди, ўзбек тилида эркин гаплашарди. Қўқонлик Акбар Исмоилов унинг ўринбосари бўлган. 1925-1927 йилларда Бобобек Мавлонбеков, ички ишлар халқ комиссари бўлган.

Республиканинг биринчи ички ишлар вазири этиб Йўлдош Бобожонов тайинланганди. Фарғона вилояти милициясининг бошлиғи Муҳаммаджон Аҳмедов, республика милицияси бошлиғининг ўринбосари Раҳим Отажоновлар ҳақида ҳам кўплаб эсдаликлар сақланиб қолган. Улар ҳақиқатан ҳам жасур кишилар бўлишган. Хуллас, бугунги кунда ички ишлар идораларига келаётган ёшлар ўрнак олса арзийдиган қадриятлар бор.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, материаллар қисқа муддатларда тўпланганлигига қарамай, улар етарлича. Китоб саҳифаларида миллий милиция шаклланаётган даврда жиноятчи унсурлар билан фидокорона жанг олиб борган ходимлар ҳақида ҳикоя қилишни истардик, албатта. Улар орасида жиноятчилар билан курашда жонларини фидо қилган кўплаб қаҳрамонлар бор. Лекин чоп этилаётган нашрнинг чекланган ҳажми бунга имкон бермайди. Бу ишни давом эттириш мақсадидан воз кечганимиз йўқ. Шунинг учун "Халқ хизматида 75 йил" китобини катта тарихий асарнинг биринчи бўлими деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон милициясининг бугунги кундаги иш тажрибаси ҳам эътиборга молик. Бозор муносабатлари ривожланиши ҳисобга олинган ҳолда ИИВ тизими кўп жиҳатдан қайта ташкил этилди, янги хизматлар тузилди ва улар фаол иш олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Республикаси ИИВ вакиллари АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, МДҲнинг бир қатор мамлакатларида бўлишиб, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идораларининг фаолиятлари билан танишиб қайтдилар. Ўзбекистон милициясининг дастлабки вакиллари яқинда Туркия ИИВ Академиясига ўқишга юборилди.

Ҳозирги кунда ИИВнинг фаол иштирокида республикада жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларининг лойиҳалари тайёрланмоқда. Уларнинг энг муҳими "Милиция тўғрисида қонун"дир.

Буларнинг ҳаммаси кейинги тўпламларни чиқариш учун яхшигина асос бўлиб хизмат қилади, деган фикрдаман.

Китоб муаллифлари ҳақида бир неча сўз. Улар орасида ҳуқуқшунослик фанлари доктори Т. А. Жалилов ва Б. Э. Қосимов, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Р. Х. Ҳошимов ва бошқалар бор. Материаллар тўплашда ИИВ ва жойлардаги ички ишлар бошқармаларининг раҳбарлари катта ёрдам кўрсатганларини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим.

**Суҳбатни Н. БЎРИЕВ ёзиб олди.**





***СУРАТЛИ ХАБАР***

Ўзбекистон аҳлининг тинч ва осуда яшаб меҳнат қилишини таъминлашда, эл-юрт бойликларини жиноий тажовузлардан ҳимоя этишда, йўлларда транспорт қатнови хавфсизлигига эришишда ИИВ ахборот маркази қўшаётган улушни тан олмаслик мумкин эмас. Бу хизмат айни пайтда шундай замонавий асбоб-ускуналар билан қуроллантирилганки, уларнинг ёрдами билан кўпгина қонунбузарликларнинг олди олиняпти.

Сиз суратларда кўриб турган муҳандис, ички хизмат катта лейтенанти Э. Зоитов, дастурловчи муҳандис А. Едиёровлар ана шундай моҳирлардан ҳисобланишади.

**Суратлар муаллифи Ҳ. ШОДИЕВ**

## САВДОДА НЕ САВДОЛАР?

### "Ҳиммат"

Район матлубот жамиятига қарашли 2-омборда ўғрилик содир этилди. Албатта, "ўғрилар" бегона эмасди. Омбор мудири 80 қоп шакарни "енг ичи"да танишига узатиб юборганди. "Таниш" эса ўз навбатида бу юкни марилик ҳамтовоқларига ошираётганда район ИИБ ходимлари томонидан қўлга туширилди.

Ушбу иш бўйича беш киши ҳибсга олиниб, тергов бошлаб юборилди.

### Ишламайди

Бозор иқтисоди шароитида ит эгасини, мушук бекасини танимайди, деб хаёл қилган сотувчи Шуҳрат Шехов бир харидорнинг ҳақидан 8 сўм уриб қолаётганда, сири фош бўлди.

Энди у икки йил шу соҳада ишламайди.

### Қойил

Октябрь матлубот жамиятида сотувчи бўлиб ишловчи Фарҳод Машарипов бир ўқ билан икки қуённи урмоқчи бўлди. Давлат дўконида ўзи четдан келтирган нарсаларни устама нархда сотиб турганида тутилди. Қойил. Ҳам хизмат, ҳам чайқовчилик.

Унинг фаолиятига чек қўйилди ва жазо чораси белгиланди.

### Бировнинг соҳаси

Ушбу воқеа савдога алоқаси кам бўлган жой — қурилиш материаллари идорасида юз берди. Бу ерда ҳам савдога ишқибозлар бор экан. Уста Раҳим М. икки метр куб бетонни бир кишига 1500 сўмга сотаётганида ушланди. Унинг иши кўриб чиқиш учун ўртоқлик судига юборилди.

Нима қиласан бировнинг соҳасига бурнингни суқиб, дейдиган одам йўқ.

**Ў. МАТНАЗАРОВ,**
**Хазорасп райони ИИБ ИЖК ходими, милиция капитани.**

## БЕЗОВТА ЖАНУБ

Ҳайратон. Узун ва залворли кўприк. Кўп ҳодисотларнинг гувоҳи бўлган у. Тўрт мучаси соғлом йигит-қизларни кутиб олиб, неча-нечасини темир қутида, қўлтиқтаёқда, ногиронлар аравасида кузатиб қўйди бу кўприк.

Минг тўққиз юз саксон тўққизинчи йилнинг илк ойлари эсингиздами? Бемаъни уруш даҳшатларини ортга итқитиб, солдатлар шу кўприкдан қайтмас бўлиб ўтгандилар. Ойнаи жаҳон қувончдан йиғлаётганларнинг чеҳраларини кўрсатган, овознигор қувончдан йиғлаётганларнинг овозларини эшиттирган, матбуот қувончдан йиғлаётганларнинг сўзларини ёритган... Аламдан, абадий фироқдан кўзлари оқиб тушганларни-чи? Бунинг сабаблари эндиликда сизу биз учун мавҳумот эмас.

Ҳайратон. Тун қоронғусида худди бехосдан пайдо бўлиб қолган оппоқ чизиққа ўхшайди. Нариги учи хирагина милтиллаб турган чироқлар орасига шўнғиб кетган. Бериги—биз турган қирғоқда, кўприкдан чамаси 200-300 одимлар юқорироқда якка қабр. Панжарасига латталар осилган. У Ҳайратондан ўтиб, Ватан тупроғига қадам босар-босмай, жони узилган солдат мозори... Сукунат, алдамчи сукунат.

Атроф тим қоронғуликка чулғангач, Ўзбекистон, Афғонистон, Тожикистон чегаралари яқинида жойлашган "Гулбаҳор" пости томон йўлга тушдик. Дам яқинлашиб, дам кўринмай қолаётган чегара — тиканли симларни ёқалаб кетаяпмиз. Хаёлимда эса кўприк ва қабр...

Кўп ўтмай постга етиб келдик. Йигитлар Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасидан 15 кунлик хизматни шу ерда ўтказиш учун келишган, айни дамда кечки нонуштага ўтиришган экан (мақола билан танишаётган пайтингизда уларнинг 15 кунлик муддати тугаган, аввалги иш жойларига қайтишган бўлади — Э. С.). Пост бошлиғи вилоят ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бўлимининг ВЕИН бўлинмаси бошлиғи милиция майори Нурхон Сахатовдан вазиятни шарҳлаб беришни сўрадим.

— Бу ердаги мавжуд шарт-шароитдан нолишга асос йўқ. Рация, телефон, чироқ, қолаверса, телевизор билан таъминланганмиз. Маълум гуруҳларга бўлиниб, белгиланган вақт бўйича, навбати билан хизмат қилаяпмиз. Ўзбекистонга кириб келаётган ва чиқиб кетаётган юкли-юксиз техника, унинг эгаларини текширамиз. Ходимларимизнинг сони 30та.

— Кўнгилсиз воқеалар бўлдими?

— Ҳозирча йўқ.

— Қўшнинг тинч — сен тинч, дейишади...

— Тўппа-тўғри. Акс ҳолда биз бундай овлоқ жойларда бола-чақамиздан йироқда юрмаган бўлардик. Тожикистонда ҳам, Афғонистонда ҳам биродаркушлик энг оғир гуноҳлардан саналади. Халқи мусулмон. Қаранг, не ҳодисалар юз бермаяпти уларда. Айниқса, шу биз турган жойга яқин бўлган Қўрғонтепада. Энг ачинарлиси, ҳокимият учун бўлаётган бу курашлар халқнинг бошига оғир кулфатларни солаяпти. Шунинг орқасида биз — Ўзбекистон халқи ҳам ташвишдамиз.

Уларга сабр-қаноат тилаб, орқага — Термизга йўл олдик. Қоп-қора тун шундоғам ҳазин кайфиятни янада тушириб юборган.

Бугунги кунда Сурхон воҳаси кўпларнинг диққат марказида. Хорижга очилган йўлларнинг аксари ушбу воҳадан ўтади. Қўшнилардаги нотинчлик ҳам биринчи навбатда шу жойларда акс-садо бериши мумкин. Бунинг олдини олиш учун республикамизнинг деярли барча вилоятлари ички ишлар бошқарма, бўлимларидан юборилган милиция ходимлари Сурхондарёнинг чекка ҳудудларида хизмат қилишяпти. Ҳозирда чегара бўйларида 40 га яқин постлар ташкил қилинган.

Афғон юртидаги носоғлом вазият ҳали-бери юмшамайдиган кўринади. Куни кеча Бурҳониддин Раббоний ваколати тугаганлиги сабабли ўз раҳбарлик ўрнини тарк этганди. Унга яна икки ойлик имконият беришди. Аммо шу пайтгача ўрнатилмаган тинчликка икки ой ичида эришиб бўлармикан? Тожик қардошларимиз қачон биродаркушликка барҳам беришади? Номаълум.

Хаёлимда яна Ҳайратон бўйидаги қабр жонланади. Рамзий маъно туяман ўзимча. Кўприк ва қабр. Бу талотўп урушдан сўнгги дўппайган қабрларнинг саноғига ким етган? Бир газ ер, бир парча кафанлик насиб этмаганларнинг саноғига-чи? Мана бу шўрлик кўприк не мақсадда бунёд этилди-ю, нимага хизмат қилди?

Бугун тожик халқи азобда. Афғон халқи талвасада. Бундан ким манфаатдор, ноаниқ. Одамлар эса жон беришяпти. Қўшнилар, дили, иймони, дини бир қўшнилар безовта.

...Ҳайратондан 200-300 одимлар юқорироқда ёлғиз қабр...

**Эркин САТТОРОВ.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: одатда у ёки бу байрам муносабати билан умумбашар хурсандчилик қилади, ҳордиқ чиқаради, бола-чақаси билан сайлгоҳларга боради. Фақат милиция ходимларигина бундан мустасно. Ўтказилаётган шодиёнага ғулу ораламаслиги учун улар ҳордиқни бир чеккага суриб қўядилар, керак бўлса, тунни тонгга улайдилар. Ҳатто бугунги ўзларининг айёмларида ҳам оромдан воз кечганлар. Мана, ўша юқорида айтиб ўтганимиз — Сурхондарёдаги қирқта постда хизмат қилаётганлар ҳам ўзга вилоятлардан келишган. Ўзбекистон милицияси ташкил топганлигининг 75 йиллик юбилейини ўша масканларда кутиб олишади. Оилаларидан йироқда. Чунки ҳар қандай шароитда ҳам юрт тинчи, эл фароғати таъминланиши керак.**

**Биз байрам муносабати билан хизматдаги барча ҳамкасбларимизни чин дилдан муборакбод этиб, оилаларида тотувлик, ишларига ютуқлар тилаб қоламиз.**

# ТАРТИБОТ ҚЎРИҚЧИЛАРИ

Республикада жамоат тартибини сақлашда — жиноятчилик, ароқхўрлик, текинхўрлик, дарбадарлик, гиёҳвандлик, безорилик, жамоат жойларидаги тартибсизлик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашда пост-патрул хизматининг алоҳида ўрнини таъкидлаш жоиз.

Пост-патрул нарядлари иштирокида очилган жиноятлар сонининг ўтган йилга нисбатан 27,2 фоизга ошганлиги фикримизнинг далилидир.

Жумҳуриятимиз ҳудудига суқилиб келаётган жиноий унсурлар кўрсаткичининг 3,9 фоизга қисқаришида ҳам мазкур хизмат ходимларининг саъй-ҳаракатлари беқиёс. Шу мақсадда ўтказилаётган турли тадбирлар натижасида жорий йилда 148,5 минг нафар ҳуқуқбузарлар ушланган.

Маълумки, республикамиз мустақиллигининг жаҳон миқёсида тан олиниши мамлакатимизга бўлган қизиқишни орттириб юборди. Шу боис дипломатик, савдо-сотиқ, иқтисодий, илмий алоқалар ўрнатиш учун ташриф буюраётганлар сони кескин кўпайди. Юртимизда ваколатхона, элчихоналарнинг очилиши ҳар бир ходимдан хизмат савияси, маҳорати, масъулиятини оширишни тақозо этмоқда. Янги-янги талаблар, вазифалар қўйимоқдаки, бугун кечагидек ишлай олмаслигимиз кўриниб турибди. Демак нафақат пост-патрул, балки ҳар бир милиция ходими ўз устида мунтазам ишлаши лозим.

Йил бошидан жамоат жойларида содир этилган жиноятлар сонининг бир неча фоизга қисқарувига эришилди. Бунга сабаб — ходимлар ўртасида ташаббускорлик, ўз касбига фидойи милиционерларнинг кўплигидир.

Пост-патрул хизмати ходимлари томонидан очилган жиноятлар кўрсаткичи Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Фарғона, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Наманган вилоятлари, Тошкент шаҳри ва транспорт ИИБларида бир-мунча юқори.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари ИИБларида ушбу хизмат назоратига етарли аҳамият берилмаётир.

Жойларда нарядлар йўриғи паст даражада, уларни ўтказиш жадвалига риоя қилинмайди, айрим раҳбарлар хизматга чиқаётган милиционерларга аниқ вазифалар юкламайдилар.

Юқоридаги ва бошқа кўплаб камчиликлар атрофлича ўрганилиб, мазкур хизмат ишининг самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ чоралар ишлаб чиқилди.

Аммо бу ишларни амалга ошириш борасида жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, кенг халқ оммаси юртимизда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ички ишлар идораларига яқиндан ёрдам берган тақдирдагина жамоат тартибини сақлаш савияси яна бир карра ошади. Ана шундагина юртимизнинг ҳар бир фуқароси кундузи хотиржам ишлаб, кечаси тинч ухлайди.

**Қ. ТОШМУҲАМЕДОВ,**
**ИИВ жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги.**

**75 ЙИЛ**

## Ҳисобда у ёқдаю...

Ёлғизликдан безиб ўтирган Виталий таниши Воҳидни қучоқ очиб қарши олди. У шеригини Руслан деб таништирди. Уччови алламаҳалгача мусиқа эшитишиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдилар. Воҳид Русланни қолдириб хайр-маъзур қилди. Виталий эса ёлғиз бўлгани учун жон-жон деб Русланни олиб қолди. Индинига ҳам худди шундай бўлди. Эрталаб ҳамма тарқалди. Фақат Виталий кечга яқин уйига келдию ханг-манг қотиб қолди. Хоналарда буюмлар бетартиб сочилиб ётар, айрим нарсалар турган жойида йўқ эди. Чет эл магнинатофони, магнитофон плеер, микрокассеталар, кўйлак ва оёқ кийимлари ғойиб бўлганди. Виталий оёғини қўлига олиб ИИБга югурди.

Бу пайтда Руслан фуқаро Л. Кочетованинг эшигини бузаётганди. У ердан эса "Астра" магнитофони, чангютгич, дазмол ва бошқа 26595 сўмлик мулкни жомадонга жойлаб, кўчага чиқди. Қиргули райони ИИБ ходимлари кеч соат 9 ларда аланг-жаланг қилиб кетаётган Русланни назардан қочиришмади. Тўхтатиб текширилганда шахсини тасдиқловчи бирон ҳужжат чиқмади. Сўнг ИИБга келтирилди.

Маълум бўлишича, Руслан Усеинов илгари 1988, 1989 йиллари ҳам ўғирлиги учун қамалиб чиққан экан. Аслида у Ўш вилоятидаги 2-махсус комендатурада жазо муддатини ўтаётган ҳисобидаю, бу ерда келажагини моддий таъминлаш учун қайғураётган, шекилли.

**Нур БАДИА.**

## БУРЧ БУРЧЛИГИЧА ҚОЛАДИ

1948 йили Тошкентда уч йиллик офицерлик мактабига ўқишга кирдим. Ўша пайтда у СССР ИИВга оператив чекистлар тайёрловчи мактаб дейиларди. Уни 1951 йили тугатгач, уч ой оператив ходим ёрдамчиси бўлиб ишладим. Вазифамиз озодликдан маҳрум қилинганлар билан сиёсий ҳам маънавий иш олиб бориш эди. Ўша вақтларда жиноятчилар тоифаларга бўлинган бўлиб, ҳозиргилардан кескин фарқ қиларди. Улар орасида ўзбеклар саноқли, аксарияти уруш вақтида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келганлар эди.

Урушдан кейинги йиллар эмасми, халқ қашшоқ. Шу боис босқинчилик, талон-торожлик, ўғрилик асосан давлат мулки ҳисобига тўғри келарди. Қотиллик қурбони бўлиш ҳам бевосита давлат мулкини қўриқлаётган қоровулларнинг чекига тушарди.

Буларнинг ҳаммаси оммада ташвиш туғдирарди. Шуларни назардан қочирмаган ҳукумат раҳбарлари 1947 йилнинг 4 июнида Фармон чиқарди. Ушбу Фармоннинг 2.2-моддасида икки ва ундан ортиқ шахслар томонидан давлат мулкига тажовуз қилинса, 12 йилдан 25 йилгача (ҳар бирига) озодликдан маҳрум этиш белгиланган. Бундан ташқари маҳбус жазосини ўтагач, беш йилгача сайловларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилган, шаҳар марказидан 100, вилоят марказларидан 50 километр узоқликда яшаши мажбурий деб қонунлаштирилганди.

Фармон чиқиш билан жиноятнинг бу тури кескин камайди.

Бироқ қонуннинг шунчалар қаттиқ бўлишига қарамай қамоқхоналарда маҳбусларга бир қанча қулайликлар берилганди. Яхши ишлаб, белгиланган топшириқларни 121 фоизга бажарганларнинг бир куни 3 кунга ўтарди. "Зонада" тижорат дўконлари, ошхоналар мунтазам ишлаб турарди. Ҳар бир маҳкум у ердан истаган нарсасини сотиб олиши мумкин эди. Айтиш мумкинки, у вақтларда қонундан ҳамма қўрқарди.

1953 йили ҳозирги Қибрай (Оржоникидзе) райони милиция давлат хавфсизлиги (ўшанда шундай аталарди) бўлимига оператив ходим-изқувар бўлиб ўтдим. Милиция бўлимида изқувар лавозимида ишловчи Ориф Алматов, Александр Грановский, бўлим бошлиғи Аминжон Шокиров каби жиноятчилар оламини зир титратган ходимлар билан ишлашимга, улардан кўп нарсаларни ўрганишимга тўғри келди.

Бўлим бошлиғи отаравада юрарди, ўнг томонида тўппонча, чап томонида қилич осиғлик бўларди ходимларнинг.



Бир нечта хизмат отларига эга эдик. Асосий транспорт воситаси от бўлгани учун от ўғирликлари тез-тез содир этилиб турарди.

Мана, бугун иш услублари ҳам, улов воситалари-ю, қонунлар ҳам ўзгача. Жиноятчиликка қарши кураш усулларини ҳам таққослаб бўлмайди. Аммо жиноятчилик ҳам ўша мавқеда, ўша туришда қолгани йўқ. Баравар мослашмоқда. Шунга қарамай ҳуқуқбузарликнинг ҳар қандай кўринишига тўсиқ қўйиш азалий вазифамиздир. Одамлар ўзгаради, давр ўзгаради, бурч эса бурчлигича қолавераркан.

**Ҳ. АБДИЕВ,**
**Тошкент вилояти ИИБ ЖҚБ ходими, милиция полковниги.**
**Суратда Ҳ. АБДИЕВ.**

## МУКОФОТ МУБОРАК !

Холдор лақабли босқинчи ва унинг гумашталаридан Фарғона вилоятининг бир неча фуқароси қаттиқ жабр кўрди.

Шу йилнинг 21 май куни вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари Холдор (асли исми Аҳмад Исмоилов) ва унинг шерикларини ҳибсга олиш юзасидан тадбир ўтказдилар.

Қува шаҳрининг Гагарин кўчасида шу гуруҳга алоқадор олти нафар кимса қўлига кишан урилди, уларнинг учта автомобили ИИБга келтирилди. Тинтув пайтида бу машиналардан "РПГ-18" белгили граната отувчи қурол, "Револвер" қолипида ясалган қўлбола тўппонча ва унинг саккиз дона ўқи, яна иккита совуқ қурол топилди.

Ана шу тадбирни муваффақиятли ўтказишдаги мардлиги ва жасорати учун бир гуруҳ ходимлар ички ишлар вазирининг буйруғига биноан рағбатлантирилдилар.

# ДИД

## ЁКИ ЖАМОАТЧИЛИККА СУЯНИБ КАМ БЎЛМАГАН "УЧАСТКОВОЙ" ҲАҚИДА

Дид — инсон учун зарур фазилат. Дидли, фаҳм-фаросатли кишининг иши ҳамиша ўнг келаверади. Буни ҳамма билади, фақат амал қилишга келганда...

Қашқадарё воҳасидаги Чироқчи райони ички ишлар бўлимида катта участка вакили вазифасини бажараётган милиция капитани Холмурод Шайқуловнинг ютуқлари ҳақида эшитиб, у билан учрашдим ва биринчи бор аҳамият берганим шу бўлдики, унинг хизмат хонаси ниҳоятда ораста, шинам. Чоғроққина коридорнинг чап томонидаги хонада диван, стол-стул, телевизор, шкаф қўйилган. Ўнг томонда участка вакилининг иш хонаси. Кўриб ҳавасингиз келади. Деразада ҳарир парда осилган, бурчакда китоб-жавон, деворда эса участка харитаси. Хуллас, ҳамма нарса жой-жойида, ишлаш учун, ҳордиқ чиқариш учун барча шароит муҳайё.

Мен хизмат тақозоси билан жуда кўп участка вакиллари билан учрашганман, улар олиб бораётган ишлар билан танишганман. Айримларининг иш хонасига кириб бўлмайди: ҳавоси "яхшигина" айниган, стол устида керакли-кераксиз қоғозлар, анчадан бери таши сув кўрмаган чойнак-пиёла, қошиқ ва ҳатто ейилмай қолган нонгача кўзимга ташланган. Энг ачинарлиси, шунга яраша муомала ва бажариладиган ишнинг натижаси.

Аммо юқоридаги вазиятда эса, айтиб ўтганимдек, батамом акс кўриниш. Савол туғилиши мумкин: хўш, шароитку, майли, зўр, аммо асосий нарса — иш-чи? Бу ҳақда мен Х. Шайқуловнинг ўзидан сўрадим.

— Холмурод ака, аслида бажараётган ишларингиз ҳақида сиз хизмат қилаётган ҳудудда истиқомат қилувчилардан сўрашим лозим эди. Лекин орқаворотдан эшитган мақтовларга ишониб келавердим. Аввало, милиция соҳасидаги хизмат фаолиятингиз ҳақида озгина сўзлаб берсангиз.

— Ички ишлар соҳасида 1981 йилдан буён хизмат қилиб келаман. Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасида, кейинчалик Шаҳрисабз ва Чироқчи районлари ички ишлар бўлимларида хизматимни давом эттирдим. Шу йилнинг март ойидан бери катта участка вакили вазифасини ўтаб келаяпман. Ходимларимиз билан бирга еттита давлат ва жамоа хўжаликлари ҳудудида осойишталикни сақлаш масъулияти гарданимизга юкланган.

— Бундай тўкис шароитни сизга ким яратиб берди?

— Саволингиз сал ноқулайроқ чиқди-ю, лекин барибир жавоб бераман. Аввало ҳар ким ўзи учун етарли шароитни ўзи яратади. Олма пиш, оғзимга туш замони эмас ҳозир. Бунинг учун жамоатчилик билан тил топишиш керак. Тил топишиш деганимда, ҳудуд раҳбарияти, халқ билан алоқани боғлаш ва мустаҳкамлашни назарда тутяпман. Бу ерга ишга келганимда хўжаликлар раҳбарларининг бирдан-бир илтимоси ва талаби осойишталикни барқарор сақлаб туриш бўлди. Ваъда бердим. Дўстларимнинг ҳам беғараз ёрдамларини айтиб ўтишим керак. Уларнинг ҳам талаби юқоридагидек. Керакли шарт-шароитни яратиб бериш ҳақида эса сўз беришди ва кўриб турганингиздек, уддасидан чиқишди.

— Сиз-чи? Ваъдага "вафо" қилаяпсизми?

— Уддалаяпман десам бўлади.

— Лекин бу сизнинг гапингиз...

— Исбот сўраяпсизми? Улар ҳозир менга яна кўп нарсаларни ваъда беришган. Жумладан, машина билан таъминлашни ҳам. Агар сўзимнинг устидан чиқмаганимда, улар қўлни ювиб, қўлтиққа уришмасмиди?

— Тўғри. Ҳозир ҳудудингизда вазият қандай?

— Агар майда безориликларни ҳисобга олмаганда, осойишталик. Март ойидан бери учта ўғрилик содир этилди. Уччаласиниям вақтида, ҳеч қандай ёрдамсиз, ходимларимиз билан бирга очдик. Шулардан бирини айтиб берсам. Бу ўғрилик шу йилнинг 17 апрелида юз берган. Ўшанда Ленин номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Мавлон Турдиевнинг уйидан икки дона гилам ўғирланган. Ўғри — Маҳматқул Турдиевни Шаҳрисабз бозорида (гиламларни сотаётган пайтида) ушладик. Энг ажабланарлиси, ўғри жабрланувчининг ўз фарзанди бўлиб чиқди. У уч йилга озодликдан маҳрум қилинди. Ҳаётда шунақаси ҳам учраб турар экан.

Бу ва бундан кейинги икки жиноятни очишда ҳам милиция капитани Парда ака Назаров, милиция катта лейтенанти Бахтиёр Хуррамовларнинг ёрдами жуда катта бўлди.

— Бажараётган хизматингиздан ҳеч норизо бўлганмисиз?

— Йўқ. Гоҳида тушкунликка тушиб қолган пайтларим бўлган. Лекин бу норизоликка сабаб бўла олмайди. Умуман, ҳамма нарса инсоннинг ўзига боғлиқ. Одамлар ҳеч қачон яхшига ёмон муносабатда бўлмайдилар. Хушфеъллилик — аҳилликнинг калити.

Шу ўринда мен фурсатдан фойдаланиб, "Партия XXIV съезди" (ҳозирда "Ўзбекистон" деб номланиш арафасида) давлат хўжалигининг директори Қаландархон ҳожи Аъламхоновдан жуда миннатдор эканлигимни билдирмоқчиман. У киши бизга ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзиб турибдилар.

— Кўпчилик участка вакиллари ўзларига тегишли муаммоларнинг муаммолигича қолаётгани, уларнинг ечими борасида ҳеч ким бош қотирмаётганидан нолийдилар. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Ҳақ гап. Рўзномангизнинг қайси бир сонида "участка вакили — милиция кўзгуси" деган иборани ўқиб қолгандим. Шундай экан, демак биринчи навбатда шу соҳадаги муаммоларга барҳам бериш керак. Лекин шу ўринда айтишим лозим, бу бундан кейинги ишимизда камчиликлар бўлаверади дегани эмас. Муаммолар ҳеч қачон баҳона бўлмаслиги керак. Яна бир марта қайтаришга тўғри келади, ҳамма нарса инсоннинг ўзига боғлиқ.

— Юбилей кунларида ҳамкасбларга қандай тилаклар билдирмоқчисиз?

— Аввало, мен хурсандманки, Ўзбекистон милицияси ўзининг 75 йиллик фаолияти давомида катта йўқотишга дуч келди ва катта ютуққа эришди. Йўқотгани — марказ тазйиқи, топгани — мустақиллик. Тилагим, топганини энди йўқотмасин. Ҳамкасбларга эса, албатта соғлиқ, мустаҳкам ирода, оилавий тинчлик истайман.

**Суҳбатдош Э. САЙФУТДИНОВ.**



АРМАИС ГУЛЬЯНЦ

„Отишмаларсиз жанглар" қиссасидан парчалар

# ТИРИК МУРДА

*Ҳужжатли материаллар асосида тайёрланган ушбу қиссанинг муаллифи А. Гульянц ҳаётининг кўп йилларини ички ишлар идораларида ишлашга бағишлаган ғоят тажрибали оператив ходим, истеъфодаги милиция полковнигидир. Бугун биз муштарийларимиз эътиборига Армаис Григорьевич асаридан парчалар ҳавола қиляпмиз.*

Милиция идораларида мустақил оператив-қидирув бўлими (ОҚБ) ташкил қилиш ғояси Александр Николаевични кўпдан бери ўйлантириб келарди. У кенгашларда бу фикрни эҳтиёткорлик билан айтар, аммо уни камдан-кам одам қўллаб-қувватлар эди. Баъзиларга бу ғоя шубҳали туюлар, бошқалар эса янгилик уларнинг обрўйига путур етказиши ва бу хизмат улар азалдан фақат ўзларига қарашли деб ҳисоблаб келишган ҳамда "бегоналар"дан кўз қорачиғидай асраб юрилган соҳага киришдан чўчиб (бунга асос бор эди ҳам), ОҚБ тузилишига тўғридан-тўғри душманлик назари билан қарар эдилар.

— Жиноят-қидирув борку, ахир, — дейишарди бундайлар, "қидирув" сўзига урғу бериб. — Беҳуда ишга киришишнинг нима кераги бор.

— Ҳа, — дерди Александр Николаевич, — жиноят-қидирув ва ОБХСС ходимларининг ишлари жуда оғир. Лекин афсуски, жиноятни очиш доим ҳам жиноятчини қўлга олиш билан тугамайдида. Уларни қидириш баъзан мислсиз даражада чўзилиб кетади, чунки оператив ходимлар бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар билан ўралашиб қоладилар. Айрим ҳолларда алоҳида хавфли жиноятчи ўн ва ундан кўплаб йиллар давомида қочиб юради. Бундай шахсларни қидириш билан махсус бўлим шуғулланиши керак. Бу бутун ишимизнинг асосий қоидасига мос келади, яъни бирорта ҳам жиноят жазосиз қолмаслиги шарт.

Ниҳоят, марказий идоралардан ОҚБ тузиш ҳақида фармойиш келди ва Петросов уни қувонч билан кутиб олди. У оператив-қидирув хизматининг келажагига ишонар эди, шунинг учун йирик вилоят бошқармасида уни ташкил этишни Петросовга топширишди. Бўлим ташкил этилиши ҳақидаги баҳслар анча камайди, фақат унинг мухолифлари бу воқеани хуфя тарзда, ёпиқ эшиклар ортида муҳокама қилар эдилар. Бу Петросовнинг дилини сиёҳ қиларди, зеро у ўртоқларининг дўстона кўмаги ва мададларига ишонган эди. Ёрдам эса ўша қийин даврда айниқса муҳим эди.

Александр Николаевич ишга ғайрат билан киришди. Хусусий қидирув усулларини эгаллаган, таҳлил қилиш қобилиятига қодир ходимларни танлаб олди. Улар орасида ташаббускор ёшлар кўп бўлиб, айрим ҳолларда улар ҳисҳаяжонга берилиб кетмасликлари учун кўз-қулоқ бўлиб туриш керак эди. Лекин кейинчалик уларнинг бирортаси ҳам А. Петросовнинг умидларини пучга чиқармади.

Ҳозир кўз ўнгидан сафдошлари ва дўстлари бирма-бир ўта бошлади. Саша Наумов, Иброҳим Бектиев, Григорий Пак... Ёшгина лейтенантларнинг энди қанотлари ўсиб, бугунги кунда ички ишлар идораларида йирик-йирик бўлинмаларга раҳбарлик қилишмоқда, уларнинг ўз шогирдлари ҳам кўпайиб қолган.

Ўша пайтда эса ишни бошлаш анча оғир кўчган эди. ОҚБни ташкил этиш жараёнида ва жамоа шаклланаётган пайтда хатога йўл қўйишга ҳақи йўқлигини Петросов яхши тушунар эди. Ҳар қандай нотўғри қадам албата ёлғон-яшиқ гапларга сабаб бўлиб, янги бўлинмага нисбатан шубҳа уйғотиши турган гап. Бунинг устига ,аниқ-равшан кўриниб турадиган ишлар, ютуқлар зарур эди. Кўп ўтмай ютуқлар — бўлимнинг ёш ходимлари эришган муваффақиятлар ҳам пайдо бўла бошлади. Ана шундай ишлардан бири, айниқса унинг ёдида мустаҳкам ўрнашиб қолган.

"Шаҳарча" номи бозорлари ва косиблари билан ном таратган бу аҳоли пунктига бундан 30 йил муқаддам жуда мос тушар эди. Бозор кунлари бу ерда атрофдаги қишлоқлардан юзлаб деҳқонлар тўпланишар, узоқ овуллардан сотгани молларини ҳайдаб келишарди. Рус казаклари ҳам савдодан тушган пулларга газлама, чой, керосин харид қилишарди.

Пахса деворли, томи ясси уйлар дов-дарахтларга бурканган. Тор кўчалар митти дўкончаларга тўла, эрта тонгдан то кечгача болғаларнинг тақир-туқури, одамларнинг ғовур-ғувури тинмайди, темирчиларнинг ўчоғидан чиқаётган тутун ҳаммаёқни қоплаб олган. Кўнчилар деҳқон этиги тикиладиган айбаки чарм тайёрлашади, саноғи йўқ этикдўзлик устахоналарида махси-ковуш ва чориқлар билан бир қаторда оврўпоча пойабзал ҳам тикишади, йигирмага яқин аравасозлар эски араваларни созлашади ёки "Ўрта Осиё эмани" — қайрағочдан янгиларини ясашади. Ичкарида аёллар ип йигиришади, чеварлар ранго-ранг чопонлар тикишади. Бу ерда чайқовчи, олибсотарлар ҳамма нарсага бош-қош. Улар косибларнинг оғир меҳнати ҳисобига катта бойлик орттирадилар. Шаҳарча бозорини мана шундай "уддабуронлар"дан тозалаш учун милиция ходимлари анча куч-ҳаракат сарфладилар.

Шаҳарча ҳозирги кунда саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари жойлашган йирик вилоят марказига айланган. Аҳолиси уч баравар кўпайиб, кўп қаватли бинолар қад кўтарган бутун-бутун даҳалар пайдо бўлган. Шаҳарчада давлат банкининг бўлими ҳам бор эди. Бир кун худди мана шу муассасада фавқулодда ҳодиса рўй берди.

Ҳаммаси оддий воқеадан бошланди: катта кассир Анатолий Хван ўша куни эрталаб ишга чиқмади. Аввалига ҳеч ким бундан ортиқча хавотирлангани йўқ. Хизматдошлари уни сариштa ва интизомли ходим сифатида билишар эди, агар баъзида бир оз ушланиб қолса ҳам узрли сабаблари бўларди. Лекин бир соат ўтса ҳамки, Хвандан дарак бўлмади. Ёпиқ дарча олдида пул кутиб турган одамлар шовқин кўтара бошладилар. Кассирнинг уйига хат ташувчи бориб, тезда ўта ҳаяжонланиб қайтди. Хван уйида йўқ, қўшниларининг гапига қараганда эшиги кеча кечқурундан бери қулфлоғлик экан.

— Қариндошлариникида маишат қилиб қолган бўлса керак, — тахмин қилди кимдир. — Яна бирор соат кутайлик-чи, балки келиб қолар.

Лекин кассир ўша куни ҳам, эртасига ҳам ишга чиққани йўқ. Хуллас, сирли вазиятда ғойиб бўлди. Лекин сир касса тафтиш қилингандан сўнг очилди. Хван анча миқдордаги пул билан йўқолган эди.

Шу куннинг ўзида ҳар ерда ҳозиру нозир болалар тўлиб оқаётган анҳор бўйидан эркак киши кийимини топиб олишди. Кейинчалик у бедарак кетган кассирга тегишли эканлиги маълум бўлди. Пиджагининг чўнтагидан қуйидаги мазмундаги хат топилди:

"Менинг ўлимимда ҳеч кимни айбламасликларингизни сўрайман. Йирик миқдордаги пулни совуриб юборганман ва бу эртами-кеч ошкор бўлишини биламан. Доимий қўрқув остида яшашга бошқа тоқатим қолмади, шунинг учун ҳаётдан кўнгилли равишда кетаяпман...".

Шаҳарчага қутқариш хизматидан ғоввослар келишди. Бу хизмат ўша пайтда жамоат тартибини муҳофаза қилиш вазирлиги таркибига кирар эди. Уларга Афанасий Косов бошлиқ эди. Мурдани топиш учун анҳорнинг ҳар бир метри синчиклаб текшириб чиқилди, лекин натижа бўлмади. Сўнгги чорани қўллашга қарор қилинди — бош тўғон беркитилди. Аммо қуриб қолган анҳор тубидан ҳам кассирнинг жасади топилмади. Ана шунда Хваннинг "ўз жонига қасд қилиши" пухта ўйланган айёрлик эмасмикин деган шубҳа туғилди ва иттифоқ бўйича қидирув эълон қилинди.

Вақт ўта бошлади. Ўнлаб кишилар Хванни излашар, у ва унинг қариндош-уруғлари ҳақида қўшимча маълумотлар тўплашарди, лекин бу ишлар натижа бермасди. Орадан ўн йил ўтди. "Сувга чўккан"ни излаш боши берк кўчага кириб қолди. Кўпчилик энди кассирни топиб бўлмайди деб ўйларди. Муваффақиятга ишонч йўқолдими, демак муваффақият ҳам бўлмайди.

Айни мана шундай ўта чўзилиб кетган, нима қилиб бўлса ҳам қутилиш йўллари изланаётган, жиноятларни очиш борасида салмоқли фоизлар ҳақидаги ғалаба рапортларини бузадиган ишлар биринчи навбатда ҳали ёш, қанотини ёзмаган, тажрибаси кам оператив-қидирув хизмати, шу жумладан А. Н. Петросов раҳбарлик қилаётган бўлим зиммасига юкланди. Кассир Хванни қидириш иши билан капитан Омон Абдураҳмонов шуғулланди. Александр Николаевичнинг маслаҳатига кўра у ишни "ўз қаҳрамонининг шахси, турмуш тарзи, одатлари, қизиқадиган нарсаларини пухта ўрганишдан бошлади... Ўн йил ичида кўп нарса ўзгарган, жиноятчини танийдиганларнинг кўпчилиги кўчиб кетган, қолганлари эса бир-бирларига зид маълумотлар берар эдилар.

Абдураҳмонов Хваннинг ташландиқ ҳовлисида ҳам бўлди. Шифер ёпилган ва қачонлардир пишиқ қилиб қурилган сомон-сувоқ уйнинг деворлари ёрилган ва баъзи ерлари ўпирилган эди. Ҳеч ким бу ҳовлига кўз олайтирмас ва яшагиси ҳам келмасди.

Капитан қичитқи ўт ва шўра босиб кетган ҳовлида турар экан, унинг собиқ эгаси тўғрисида билган ҳамма нарсаларни яна бирма-бир хаёлидан ўтказа бошлади. Хван камгап ва эҳтиёткор одам бўлган. Бошқалар билан танишишни ёқтирмас, дўстлари ҳам йўқ эди. Уни таниганлар бунинг сабаби ҳар куни улкан миқдордаги давлат пуллари билан ишлашга тўғри келадиган кассирлик лавозимининг таъсири деб тушунтирдилар. Доимий масъулият уни шундай қилиб қўйган бўлса ажаб эмас.

Яна бир нарса — дастлаб қараганда аҳамиятсиздек туюлган жиҳат ҳам офицернинг диққатидан четда қолмади. Қўшниларининг гапларига қараганда, Хван ҳамма бўш вақтини анчагина катта томорқасида ўтказар ҳамда сабзавот, асосан пиёз етиштирарди. Корейс миллатига мансуб кишилар шоли каби бу экинни ҳам моҳирона парвариш қилиб, мисли кўрилмаган ҳосил оладилар.

"Ҳозиргача, — деб ўйларди капитан, — собиқ кассирни асосан қариндош-уруғлари кўп бўлган шоликорлик хўжаликларидан қидиришган. Сабзавотчилик хўжаликларини эса милиция нима учундир эътиборсиз қолдирган. Жиноятни улардан бирида яшириниб ётган бўлса-чи? Зеро ерга боғланиб қолган одам йиллар давомида қонига сингиб кетган одатларидан воз кечиши жуда қийин бўлади...".

Яна сўровлар, турли ташкилотларнинг муҳрлари билан тасдиқланган жавоблар, маълумотномалар. Ва ниҳоят омад кулиб боққанга ўхшайди! Маълум бўлишича, қўшни республикадаги айни пиёз етиштириладиган йирик совхозда Хваннинг амакиваччаларидан бири яшар экан.

Шунчалар чўзилиб кетган ишдан аччиқ сабоқ олган Абдураҳмонов қўшни республикага хизмат сафарини расмийлаштирар экан, юзага келиши мумкин бўлган кўплаб тасодифларни назарда тутиб, тез орада муваффақиятга эришишга унчалик ишонмас эди. Бу гал вазият оператив ходим учун қулай келди. Маҳаллий ўртоқлар унга транспорт ажратиб ва ошкор бўлмаслиги учун зарур ҳужжатлар билан таъминлаб, ишни енгиллаштириш учун қўлларидан келган ҳамма нарсани қилдилар. Бунинг устига шароит ҳам қидирув ишлари учун ўнғай эди-сайловолди тадбирлари авжида бўлиб, сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатлари билан танишиши мумкин эди.

Лекин капитан тахмин қилгандай, бу рўйхатларда қидирилаётган жиноятчининг исми-шарифи топилмади. Маҳаллий милиция ходимлари билан суҳбатда, Абдураҳмонов шаҳардан олтмиш километрча нарида яна бир йирик сабзавотчилик совхози жойлашганлиги ва унда ҳам корейс миллатига мансуб кишиларнинг кўпчилиги пиёз етиштиришларини билиб олди. Шу куниёқ капитан мазкур хўжаликка етиб келди.

Иши яна ўнгидан келмади. Қишлоқ агитпунктидаги рўйхатларда Хван фамилияси йўқ эди. Лекин ички туйғу оператив ходимга жиноятчи шу ердалигини айтиб турарди. Ана шундан сўнг капитан агитаторга айланди. Эртадан кечгача хонадонларни айланиб чиқди, одамларга разм солди, гапларини тинглади.

Бу куни Абдураҳмонов сафарида ёлғиз эмасди — шўх ва ҳар нарсага қизиқувчан болалар "агитатор"га ҳамроҳ бўлишди.

— Хўв анави ерда Хванлар яшашарди, — деб қолди улардан бири тўсатдан бармоғи билан оддий бир уйни кўрсатиб. — Ҳозир қариндошлари туришади.

— Бўпти, у ерни ҳам бориб кўрамиз, — деди оператив ходим ҳаяжонлаганича ва яримочиқ эшик ёнига келди.

Чоғроққина хонада икки киши: ўн икки ёшлардаги бола билан катта ёшдаги киши овқатланадиган стол атрофида ўтириб шахмат ўйнашарди.

— Мана, ўғлим билан жанг қилаяпмиз, — деди шоша-пиша уй хўжайини. Унинг ҳовлиқиши Омонга шубҳали туюлди.

Абдураҳмонов шахматчилар олдига келиб, тахтага қаради. Дурустгина шахматчи бўлган Омон биринчи қарашдаёқ ўйин қизиқарли ўтаётганини тушунди. Оқ доналар билан ўйнаётган боланинг қўли анча баландлиги яққол кўриниб турарди. Икки юришдан сўнг қора шоҳ мот бўлиши мумкин.

— Кел, йигитча, ўйинни охирига етказиб қўяйлик, — деди кулиб оператив ходим. — Юриш сенданми?

— Ҳа, — деди уялинқираб бола ва отни олиб, қўшни катакка қўйди.

— От бундай юрмайди-ку, — ҳайрон бўлди Абдураҳмонов. — Бунинг устига ушбу вазиятда сен от билан эмас, рух билан юришинг керак.

Яна икки юришдан сўнг капитан болакай шахмат ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслигига ишонч ҳосил қилди. У ёнида турган киши борган сари асабийлашаётганини кўриб турарди.

"Мени алдаш унга нимага керак бўлиб қолди экан, — деб ўйларди милиция ходими, хонани киши билмас кўздан кечирар экан. — Ҳа, гап бу ёқда экан-да! — деди у ўзига ўзи баланд парда ортидаги қўшни хонага олиб кирадиган эшикка кўзи тушиб. — Иккинчи шахматчи ўша ерда яшириниб ётмаганмикин?".

Капитаннинг шубҳаси тўғри чиқди. Бурчакда, дераза ёнида бир киши турарди. Оператив ходим дарҳол таниди — у Хван эди. Шундай қилиб, "чўкиб кетган" одам ўн йилдан кейин юзага чиқди.

Жиноятчи кейинчалик суддан қочиб юриш ўта жонига текканидан айбига иқрор бўлиб бормоқчи бўлгани (бу чин дилдан айтилган эди), лекин қўрқув устун келгани ва бундай қадамга журъат эта олмаганини айтди. Александр Николаевич бу сўзларни бутун умр эслаб қолди. Бу сўзлар унинг иш фаолиятида янги уфқлар, янги усуллар очдики, улардан бири— кўзга кўринмас фронтдаги мураккаб руҳий кураш — ўз айбига иқрор бўлиб келиш етакчи ўринлардан бирини эгалади.

(Давоми бор).



# ДИЛ СЎЗЛАРИМ ТИЗДИМ МАНАМ

*Улуғбек **МУРОДОВ, 1962** йилда таваллуд топган. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи шаҳрида истиқомат қилади. Вилоят ички ишлар бошқармасида катта терговчи. Назм унинг жони дили. Шеърлари матбуот саҳифаларида — "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталиги "Ёш ленинчи" ("Туркистон"), "Совет Ўзбекистони" ("Ўзбекистон овози") рўзномаларида, "Гулистон" ва бошқа бир қанча ойномаларда чоп этилган, овознигор, ойнаи жаҳон орқали янграган. Доимо битаётган сатрларига теша тегмаган маъноларни сингдиришга ҳаракат қилади ва бунга бир қадар эришади ҳам.*

*Куни кеча Улуғбекнинг шеърий тўплами "Насаф" нашриётида чоп этилиб, шеърхонлар эътиборига ҳавола қилинди.*

### ҒАЗАЛ

**Толеимга раҳна солган рухсорлардин
бездим манам,
Инчунун андуҳга буркаб, дилларини
эздим манам.**

**Соҳиби эрсам малакнинг ошуфта ўлиб
найсонга,
Боғи эрам ичра бедод парвонадек
кездим манам.**

**Манглайима битилмаган ва билмаган
ризвонанинг
Бадху феъл атворим-ла гуллардин
уздим манам.**

**Муҳаббат йўлида шамсин тополмаган
ғамзададек,
Ҳаётнинг жомидин абас шарбатини
ичдим манам.**

**Улуғбек, қадди шамшодни маҳшаргача
сарафроз, эт,
Анга мойил ўлгоним-чун дил сўзларни
тиздим манам.**

***

**Инсон ҳар нарсани қодир қилади,
Ҳатто ҳайвон турин нодир қилади,
Ҳар битта амрни вожиб деб билиб,
Минг бир аҳмоқликни содир қилади.**

***

**Бўлса-да қудратинг, бўлса ҳам соғлик,
Ҳақиқат ишқида ёнма не чоғлик,
Ушбу кун мен яшаб турган замонда,
Бил, одам бўлишинг ўзгага боғлиқ.**

***

**Мандин тониб қайга ҳам бординг,
Дил дардингни кимга ҳам ёрдинг,
Қайси бир кун қайтдингу, нега
Бўсағада йиғлаб юбординг!!**

### МЕНИ КЕЧИР

**Сочларингни силай олмасам,
Дил риштасин улай олмасам,
Бир бўсани тилай олмасам,
Эй, моҳтоб, маъзур тут мани.
Ўйла мандек толеи камни,
Орзу этсанг кўп бахтли дамни,
Раво кўрсам мен сенга ғамни,
Эй моҳтоб, маъзур тут мани.
Ниҳоятга етганда бардош,
Ва кўзингдан сузаверса ёш,
Кўксим узра қўёлмасанг бош,
Эй моҳтоб, маъзур тут мани,
Нетай, ахир севмасам сани...**

## ҚЎШИҚ СЕҲРИ



Милиция старшинаси Бурҳониддин ака Мирзаевни Фарғона районида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганларнинг ҳаммаси танийди, десак лофга йўйманг. Хақиқатан ҳам шундай.

Бурҳониддин ака 1964 йилдан бери ички ишлар соҳасида фаолият кўрсатиб келяпти. Айни кунларда эса райондаги савдо, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда умумий овқатланиш корхоналарида тозалик қоидаларига риоя этилишини назорат қиляпти.

— Ҳозир ёшим 55 да, — дейди у киши биз билан суҳбатда. — Аммо чарчаш нималигини билмайман. Агарки инсон танлаган касбини чин юракдан севса, ардоқласа, хизмати жамиятга озми-кўпми наф келтираётганига ўзи инонса ва энг муҳими имон-эътиқодга хиёнат қилмаса, ўтаётган ҳар кунидан қониқиш ҳиссини туяди. Бу ҳис эса унга мислсиз куч-қувват, ғайрат-шижоат бағишлайди.

Бурҳониддин аканинг эл-юрт орасида обрў-эътибор топишида яна бир муҳим омил борки, буни айтмасак бўлмайди.

— Эсимни танибманки, санъат ошуфтасиман, — дейди яна ўзи. — Айниқса радио орқали берилаётган Маъмуржон Узоқов ашулаларини ўзгача мароқ билан тинглардим. Марҳум ҳофизнинг бетакрор овози юрагимнинг энг нозик торларини чертмай ўтмасди. Ҳаммасидан ҳам у кишининг "Бир келиб кетсун" номли қўшиғини ёқтирардим. Ёлғиз қолган пайтларимда Маъмуржон ака услубида хиргойи қилишган уринардим.

Юқорида айтдик, Бурҳониддин ака милиционерлик касбини танлади — янглишмади. Хоҳ кечаси бўлсин, хоҳ кундузи — бурчини ўташга тайёр у. Аммо қўшиқчиликка бўлган ҳавасдан ҳам воз кечолмади. Юрак ёниб тургандан кейин на илож.

Мана, ҳозир вилоят миқёсидаги ички ишлар ходимларининг бирор анжумани унинг иштирокисиз ўтмайди. Ҳамкасбларнинг ўзи гулдурос қарсаклар билан уни саҳнага чиқариб қўйишади.

Маҳалла-кўйдаги тўй-томошаларни айтмайсизми? "Илтимос, Бурҳониддин ака, бир жуфт ашула қилиб берсангиз" — дейишади.

Санъат — халқ мулки. Қолаверса, ўзинг севган халқ санъатингдан баҳраманд бўлишни истайдйю рад этиб бўладими. У нимтабассум билан бир-бир босиб микрофонга яқинлашади. Чолғучилар навбат беришади.

Милиционер-ҳофиз қўлида эса ликопча. Ўзига термулиб ўтирган юзлаб нигоҳларда акс этган интиқликдан илҳом олади. Секин-аста ширали овоз тўй осмонига парвоз этади. "Ёр истаб" "Қачон бўлғай"га уланади.

Ашула тугагандан кейин ҳам ўтирганлар бир неча дақиқа ўзларига келолмайдилар. Сўнгра ҳавога бир гала каптар кўтарилгандай қарсаклар чалинади. Оппоқ соқоллари кўксини беркитган қариялар эса дуога қўл очишади:

"Юракларни сел қилиб юборди, азамат, ишқилиб, Маъмуржон Узоқовнинг руҳи қўлласин".

**Раҳмонали ҚОСИМОВ.**

# 20 ЙИЛЛАРДАН БЕРИ ДИНАМОВЧИЛАР САФИДА



Ўзбекистон "Динамо" жисмоний тарбия — спорт жамиятининг тарихи республика ички ишлар идораларининг ўтмиши билан узвий боғлиқдир, чунки милиция идоралари фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ милиция хизматига жисмонан бақувват, чидамли, жанговар ва махсус тайёргарликнинг нозик томонларини эгаллаган кишиларга талаб кучли эди.

Ўзбекистон "Динамо" жамиятининг туғилган йили деб 1925 йилни ҳисоблаш мумкин. Туркфронт умумий таълим бошқармаси қошида Ўрта Осиёдаги оммавий жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларига раҳбарлик қилиш мақсадида жисмоний тарбия Марказий иттифоқи тузилди. У милиция бўлимларидаги спорт секциялари ва тўгарак фаолиятларини ҳам бошқарар эди.

Ташкилотчилик тажрибаси ва мутахассисларнинг етишмаслигига, спорт майдончаларининг йўқлигига қарамасдан Ўзбекистоннинг биринчи динамочилари ўша вақтларда ҳам ишни қизиқарли ташкил қила олдилар. Улар оммавий спорт байрамлари, турли хил эстафеталар, туристик саёҳатлар, мерганлик мусобақалари ўтказиб турдилар. Енгил атлетика, гимнастика, кураш каби спорт турлари ривожлана борди.

30-йилларнинг бошларида Ўзбекистон пойтахтидаги динамочилар стадиони тўла таъмирланди. Машғулотлар учун ноқулай бўлган жойда ҳақиқий футбол майдони, 400 метрлик югуриш йўлакчалари, унинг ёнида теннис кортлари ва баскетбол майдончаси қурилди.

Булар, албатта, спорт кўрсаткичларининг ўсишида ўз самарасини берди.

Иккинчи даражали ГТО нишони қандай қийинчилик билан қўлга киритилишини фахрийларимиз яхши хотирлашса керак. Унга эга бўлиш учун 50 километр масофани пиёда босиб ўтиш, сувда 400 метр масофага сузиш, ҳарбий эпикирофкада қўлда қурол билан 5 метрлик махсус баландликдан сакраш талаб қилинарди. Бу нишонга ҳамма ҳам эга бўлавермасди ва у жуда юксак мукофот сифатида фахр билан олиб юриларди. 30-йилларнинг ўрталарида 276 нафар ўзбекистонлик динамочилар бу нишонга эга бўлдилар.

1934 йилда Тошкентда бўлиб ўтган биринчи Ўрта Осиё Спартакиадаси арафасида "Динамо" жамияти аъзолари — жангчи-чегарачилар ўртасида узунлиги 1800 километр бўлган оғир масофа бўйича машҳур от пойгаси ўтказилди. Узунлиги 2165 километр бўлган ниҳоятда машаққатли Красноводск — Тошкент маршрути бўйича ўтказилган велосипед пойгаси эса катта тарғиботчилик аҳамиятига эга бўлди.

Худди шу йили Ўзбекистон "Динамо" жамиятининг биринчи Кенгаши тузилди. Энди барча спорт-ташкилий ишлари ўз мавқеи ва йўналишига эга бўлиб, алоҳида спорт турларини бошқарувчи Кенгаш аъзоларининг вазифалари аниқ белгиланди.

"Динамо"да чиниққан, махсус тайёргарликлар кўрган кўплаб йигит ва қизлар фронт қийинчиликларини мардона енгишди.

Фронт ортида эса янги ўринбосарлар тайёрланарди. 1942 йилда граната улоқтириш бўйича мусобақаларнинг ўзидагина 100 мингдан ортиқ одам иштирок этди. Тошкент динамочилари 54-ҳарбийлаштирилган гуруҳ туздилар, уларда 2 мингдан ортиқ одам бир вақтнинг ўзида кураш турларини, мерганликни ва бошқа жанговар билимларни ўзлаштирарди.

Урушдан кейинги йилларда республика динамочилари ўз спорт маҳоратларини оширишни давом эттирдилар. Ю. Матулевич, В. Курлянд, С. Лакиз каби тажрибали тренерлар ва бошқа моҳир тарбиячилар раҳбарлигида В. Попенченко бокс бўйича мамлакат, Оврўпа ва Олимпиада ўйинларининг чемпиони, Г. Гамарник кураш бўйича мамлакат, Оврўпа ва жаҳон чемпиони бўлдилар, гимнастикачи Г. Коновалова Олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритди, акробатлар М. Тожиев, М. Волфман ва Д. Костинлар ҳам ёрқин натижаларга эришдилар.

Ҳозирги кунда Э. Саади, Р. Рисқиев, М. Ан, Ш. Заҳритдинов, С. Заболотнов, К. Фатхулин, М. Хадарцев каби спортчилар йирик халқаро мусобақаларда қатнашиб, ғалаба қозониб фахрий-динамочиларнинг анъаналарини давом эттирмоқдалар.

Бугунги кунда республика "Динамо" жамиятининг аъзолари сони 60 мингдан ошди. Улар 20та стадион, 70та спорт заллари ва 135та тир ва отиш майдончаларига эга бўлиб, спортнинг 18 хил тури билан шуғулланишмоқда. Ички ишлар идоралари шахсий таркибининг тайёргарлик даражасини оширишда катта роль ўйнайдиган ҳарбий спорт турлари ҳам тобора ривожлантирилмоқда.

**А. СТЕПАНОВ.**

■ Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
■ Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

*Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

**ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.**

**Обуна рақами — 64615.**

**Муҳаррир Зокир ОТАЕВ.**

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.**

Рўзнома офсет усулида, А-3 қолипида босилган. Босмага бериш вақти 18.00. Босмага берилди 17.00. 13.622 нусхада чоп этилди. Буюртма № Г—479. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.